**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ**
**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

| | |
|---|---|
| **“ТАСДИҚЛАЙМАН”** | **“КЕЛИШИЛДИ”** |
| ЎзМУ ректори А.Р.Марахимов | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги |
| ______________ | ______________ |
| 2020 йил 30 июнь | 2020 йил 29 август |

Рўйхатга олинди: № БД-5140600-2.10
2020 йил 29 август

# ЖАҲОН ГЕОГРАФИЯСИ
# ФАН ДАСТУРИ

| | | |
|---|---|---|
| **Билим соҳаси:** | 100000 | - Гуманитар соҳа |
| **Таълим соҳаси:** | 140000 | - Табиий фанлар |
| **Таълим йўналиши:** | 5140600 | - География |

**Тошкент-2020**

| Фан/модуль коди<br>JAGB224 | Ўқув йили<br>2021-2022<br>2022-2023<br>2023-2024 | Семестр<br>4,5,6,7 | ECTS - Кредитлар<br>24 |
|---|---|---|---|
| **Фан/модуль тури**<br>Мажбурий | **Таълим тили**<br>Ўзбек/рус | | **Ҳафтадаги дарс соатлари**<br>6 |

| | Фаннинг номи | Аудитория машғулотлари (соат) | Мустақил таълим (соат) | Жами юклама (соат) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Жаҳон географияси** | 360 | 360 | 720 |

**2. I. Фаннинг мазмуни**

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга материк ва океанларнинг вужудга келиши, ривожланиши, тузилиши, таркибий қисмлари, рельефи, иқлими, сувлари, тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси, ландшафтлар, табиий комплекслар ҳосил бўлишида рўй берадиган ҳодисалар, жаҳон мамлакатлари ва минтақаларининг иқтисодий-географик ўрни, аҳолиси, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш хусусиятлари, Ўрта Осиё минтақасида "табиат-аҳоли-хўжалик" тизими доирасида табиий-географик, геоэкологик, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг ривожланиш қонуниятлари ва уларни бошқариш масалаларига оид билим ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси - талабаларга умумий табиий географик қонуниятлар, сабаб ва оқибат боғланиши орқали материклар ва океанлардаги воқеа ва ҳодисаларни келиб чиқиши хусусиятлари, ривожланиш тарихи ва инсон таъсирида ўзгаришлари, жаҳон мамлакатларининг социал-иқтисодий ривожланиш даражасига кўра типлари, жаҳон аҳолиси ва унинг жойлашув хусусиятлари, жаҳоннинг алоҳида мамлакатлари иқтисодий географик тавсифи; Ўрта Осиё табиий географик ўлкаси ривожланишининг табиий-географик қонуниятлари, сабаб-оқибатлари, геоэкологик ривожланиш муаммолари ҳақида, Ўрта Осиё давлатларининг умумжаҳон ва регионал миқёсда меҳнат тақсимотида тутган ўрнини баҳолаш, минтақа геосиёсий вазияти, иқтисодий, ижтимоий сиёсий ривожланиш муаммолари ҳақида назарий ва амалий билимлар бериш.

**II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

**II.I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:**

**I қисм. Материклар ва океанлар табиий географияси**

**1-мавзу. Кириш. Ер юзасининг ривожланиши ва шаклланиши. Ер ва сайёраларнинг келиб чиқиши ҳақидаги тахминлар (гипотезалар).**

Ер ва сайёраларнинг келиб чиқиши ҳақидаги тахминлар



(гипотезалар). Литосфера плиталари ва уларнинг ҳаракатлари. Рифт зоналари. Ер юзасидаги асосий рельеф шакллари: геоструктура, геоскульптура ҳақида тушунча.

**2-мавзу. Ерда қуёш радиациясининг тақсимланиши. Иқлим минтақалари ва уларнинг ҳосил бўлиши.**

Ерда қуёш радиациясининг тақсимланиши. Радиация ва иссиқлик баланси. Иқлим минтақалари ва уларнинг ҳосил бўлиши. Ер юзасининг нотекис исиши, паст ва юқори босим областларининг ҳосил бўлиши, асосий ҳаво массалари, атмосфера ҳавосининг доимий ва мавсумий ҳаракатлари, паст ва юқори босим марказлари. Иқлим ва вегетация. Гидротермик шароит ва биомасса миқдори ҳақида тушунча. Биохилма хиллик. Океандаги географик минтақалар ва уларнинг қуруқликдаги географик минтақалар билан ўхшашлиги ва тафовутлари. Секторлик ва унинг ҳосил бўлиши. Океанбўйи ва ички қуруқлик секторлари. Табиат зоналари ва уларнинг келиб чиқиши. қуруқликда географик зоналликнинг намоён бўлишининг умумсайёравий кўриниши (модели). Иқлим ўзгариши, Киото протоколи.

**3-мавзу. Қуруқликдаги табиат зоналари. Қуруқликдаги табиат зоналарининг географик минтақалар бўйича таърифи.**

Қуруқликдаги табиат зоналарининг географик минтақалар бўйича таърифи. Экваториал минтақа. Табиат зоналари: доимий яшил сернам ва нам ўрмонлар (гилея); доимий яшил, баргини тўкадиган ўрмонлар. Субэкваториал минтақа. Табиат зоналари: қуруқ саванна, сийрак ўрмон ва буталар; нам ва мўътадил нам саванна ва сийрак ўрмонлар; баргини тўкувчи мўътадил нам ва қуруқ ўрмонлар; доимий яшил яримқуруқ ўрмон ва бутазорлар; нам ва мўътадил нам яшил ўрмонлар; нам ва мўътадил нам доимий яшил ўрмонлар. Тропик минтақа. Табиат зоналари: доимий яшил нам ўрмонлар; ярим доимий яшил мавсумий нам ўрмонлар; саванна, сийрак ўрмон ва бутазорлар; чалачўл; чўл. Субтропик минтақа. Табиат зоналари; ўтлоқ дашт ва прериялар; дашт; ёзи нам сийрак ўрмон ва бутазорлар; чўл; чала чўл; ўрта денгиз бўйи типидаги ўрмон ва бутазорлар; ярим доимий яшил кенг баргли ўрмонлар; доимий ва ярим яшил аралаш ўрмонлар, игна баргли ўрмонлар. Мўътадил минтақа. Табиат зоналари: чалачўл ва чўл; чўлачўл; дашт; ўрмондашт ва прериялар; кенг баргли ўрмонлар; аралаш ўрмонлар; игна баргли ўрмонлар; океан бўйи ўтлоқлари ва сирак ўрмонлар. Субарктика ва субантрактика минтақалари. Табиат зоналари: тундра; ўрмон-тундра. Арктика ва антрактика минтақалари. Табиат зоналари: муз саҳролари; тундра.

Баландлик минтақалари. Ҳосил бўлишининг асосий сабаблари. Баландлик минтақаларининг жойлашишидаги асосий қонуниятлар. Баландлик ва кенглик минтақалари орасидаги фарқлар ва ўхшашликлар, ҳар бир географик минтақалардаги баландлик минтақаларининг таърифи.

Қутбий номутаносиблик (ассиметрия) ва географик қобиқ

ривожланишининг даврийлиги. Термик экватор, субтропик максимумларнинг жойланиши. Географик минтақаларнинг 4-5$^0$ шимолга силжиш сабаблари. Даврийлик.

Табиат зоналарининг шаклланиш тарихи, уларнинг табақаланиш сабаблари. Бўр давридан бошлаб ҳозиргача табиат зоналарнинг ривожланиши. Муз босиш даврларида табиат зоналарининг жойлашишдаги ўзгаришлар. Палеолит, мезолит, неолит, бронза, темир ва ҳозирги даврда инсониятнинг табиатга таъсири.

Ер юзасининг инсон томонидан ўзлаштирилиши ва табиий ландшафтларнинг ўзгариши. Табиатдан фойдаланишда, уни муҳофаза қилишда инсон хўжалик фаолиятининг аҳамияти. Маданий ландшафтлар. Ландшафтларни ўзгариш даражасига қараб гуруҳларга ажратиш.

Ер юзасини табиий географик районлаштириш. Типологик ва индивидуал-регионал районлаштириш бирликлари.

**4-мавзу. Океанлар табиий географияси. Дунё океани табиатининг асосий хусусиятлари.**

Кириш. Океанлар табиий географиясининг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан алоқаси. Дунё океани тушунчаси. Дунё океани табиатининг асосий хусусиятлари.

Океаннинг бирламчилиги, иккиламчилиги ва литосфера плиталари тектоникаси назариялари. Океан таги рельефининг асосий шакллари, океан таги ётқизиқлари.

Дунё океанининг иқлими ва сув массалари. Иқлим ҳосил қилувчи омиллар. Доимий ва мавсумий паст ва баланд атмосфера босими марказлари, доимий шамоллар. Сувнинг шўрлиги ва ҳарорати. Сув массалари ва уларнинг ҳаракати. Океандаги ҳаёт. Океан мавжудотларининг геологик фаолияти. Дунё океани биоценозлари ва биогеографик областлари.

Дунё океанининг географик минтақалари. Сув юзасидаги ва океан тубидаги географик минтақалар. Океан табиатини муҳофаза қилиш.

**5-мавзу. Дунё океанининг регионал бирликларига умумий табиий географик таъриф.**

Регионал бирликлари: Тинч, Атлантика, Ҳинд ва Шимолий Муз океани. Океанларга умумий табиий географик таъриф.

**6-мавзу. Материклар табиий географияси. Евросиё. Евросиёнинг асосий хусусиятлари. Евросиёнинг геологик тузилиши ва рельефи.**

Материклар, қитъалар, ороллар, яримороллар, океанлар, денгизлар, қўлтиқлар ва бўғозлар ҳақида умумий тушунча. Евросиёнинг асосий хусусиятлари (майдонининг катталиги, шимолдан жанубга чўзилганлиги ва шимолий ярим шардаги ҳамма географик минтақаларнинг намоён бўлганлиги. Европа қитъасининг геологик тузилиши ва рельефи. Осиёнинг геологик тузилиши ва рельефи. Рельеф шаклларининг хилма-хиллиги.

**7-мавзу. Евросиё иқлими, ички сувлари.**



Евросиёнинг иқлими, иқлим ҳосил қилувчи омиллари. Иқлим минтақалари ва табиат зоналари. Ички сувлари (дарёлари, кўллари, ер ости сувлари).

**8-мавзу. Евросиё тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами.**

Евросиё тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами. Географик минтақалари ва табиат зоналари. Евросиёда ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш масалалари.

**9-мавзу. Европанинг умумий табиий географик обзори. Европа регионлари.**

Европанинг умумий табиий географик обзори. Европанинг йирик регионал табиий географик ўлкалари: Шимолий Европа, Марказий Европа, Жанубий Европа, Шарқий Европа. Йирик регионал табиий географик ўлкаларнинг кичик табиий географик ўлкаларга ажратилиши. Шимолий Европа: Фенноскандия, Исландия, Ўрта Европа ёки Германия-Польша текисликлари, Герцин Европаси ва Британия ороллари табиий географик ўлкалари. Ҳар бир регионал табиий географик ўлканинг умумий табиий географик таснифи: географик ўрни, тектоникаси ва геологик тузилиши, фойдали қазилмалари ва рельефи, иқлими, ички сувлари, тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси, табиатига инсон фаолиятининг таъсири.

**10-мавзу. Осиёнинг умумий табиий географик обзори. Осиё регионлари.**

Осиёнинг умумий табиий географик обзори. Осиёнинг йирик регионал табиий географик ўлкалари: ғарбий Сибирь, Шарқий Сибирь, Узоқ Шарқ, Шарқий Осиё, Жануби-Шарқий Осиё, Марказий Осиё, Ўрта Осиё, Жанубий Осиё, Жануби-ғарбий Осиё, Олд Осиё. Йирик регионал табиий географик ўлкаларнинг кичик табиий географик ўлкаларга ажратилиши. Ҳар бир регионал табиий географик ўлканинг умумий табиий географик таснифи: географик ўрни, тектоникаси ва геологик тузилиши, фойдали қазилмалари ва рельефи, иқлими, ички сувлари, тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси, табиатига инсон фаолиятининг таъсири.

**11-мавзу. Шимолий Американинг географик ўрни, геологик тузилиши, рельефи, фойдали қазилмалари.**

Табиий географик хусусиятлари. Шаклланиш тарихи. Материкнинг таркиб топишидаги асосий босқичлар. Шимолий Америка платформаси, каледон, герцин, киммерий, ларамий ва альп бурмаланиши областлари ва уларнинг рельефда акс этиши. Фойдали қазилмаларини жойланиш қонуниятлари ва улардан фойдаланиш даражаси. Тўртламчи давр музликларининг рельеф шаклларини ҳосил бўлишидаги аҳамияти. Асосий рельеф шакллари.

**12-мавзу. Шимолий Американинг иқлими ва ички сувлари, тупроқлари, органик дунёси.**

Иқлими. Иқлимини ҳосил қилувчи омиллар. Атрофидаги

океанларнинг материк иқлимига таъсири. Иқлимни фасллар бўйича алмашиниши. Иқлим минтақалари ва уларнинг таърифи. Ички сувлари. Дарё турлари, йирик дарёлар таърифи. Кўллар ва уларнинг келиб чиқиши. Сув ресурслари.

Ўсимлиги, тупроқлари ва ҳайвонот дунёси. Ўсимликларининг келиб чиқиш марказлари ва ҳозирги ўсимлик қопламининг шаклланиш тарихи. Тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг тарқалиш қонуниятлари. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш масалалари. Миллий боғлар, қўриқхоналар ва алоҳида қўриқланадиган жойлар.

Географик минтақалар ва табиат зоналари, уларнинг жойланишининг ўзига хос хусусиятлари. Кордильера тоғларидаги баландлик минтақалари. Ландшафтлар ва уларнинг инсон томонидан ўзлаштирилиши.

**13-мавзу. Регионал обзор. Шимолий Америка табиий географик районлари.**

Йирик регионал табиий географик ўлкалари: Кордильера тоғлари, Кордильера тоғларидан ташқаридаги шарқ. Кордильера тоғларидан ташқаридаги шарқ қуйидаги кичик регионал ўлкаларга ажратилади: Гренландия, Канада-Арктика тўплам ороллари, Лаврентия қирлари, Марказий текисликлар, Буюк текисликлар, Аппалачи тоғлари, қирғоқ бўйи текисликлари. Кордильера тоғлари қуйидаги кичик ўлкаларга ажратилади: Аляска Кордильераси, Канада Кордильераси, Жанубий Кордильера, Мексика тоғлиги. Уларнинг умумий табиий географик тавсифи Евросиё ўлкалари учун қабул қилинган тартибда амалга оширилади. Марказий Америка.

**14-мавзу. Жанубий Американинг географик ўрни, геологик тузилиши, рельефи, фойдали қазилмалари.**

Географик жойланиши, қиёфаси, ўлчамлари ва табиатининг асосий хусусиятлари, Шимолий Америка материги билан ўхшашлиги ва фарқлари.

Шаклланиш тарихи, рельефи ва фойдали қазилмалари. Жанубий Америка платформаси, каледон, герцин, мезозой ва альп бурмаланиш областлари. Шарқий қисмидаги ясси тоғлар ва текислик, пасттекисликлар. Анд бурмаланиш области.

**15-мавзу. Жанубий Американинг иқлими ва ички сувлари, тупроқлари, органик дунёси.**

Иқлими. Иқлимини ҳосил қилувчи омиллар. Атрофидаги океанларнинг иқлимга таъсири (Перу ва Эль-Ниньо оқимлари). Иқлимнинг фасллар бўйича алмашиниши. Иқлим минтақалари ва уларнинг таърифи.Ички сувлари. Асосий дарёлари, уларнинг таърифи. Кўллари. Сув ресурслари.

Тупроқ, ўсимлик қоплами ва ҳайвонот дунёсининг асосий хсусиятлари. Зоогеографик областлари. Географик минтақалари ва зоналари. Гилеялар ва гемигилеялар. Анд тоғларидаги минтақалар.



**16-мавзу. Регионал обзор. Жанубий Америка табиий географик районлари.**

Йирик регионал табиий географик ўлкалари: Анд тоғлари, Анд тоғларидан ташқаридаги шарқ. Анд тоғларидан ташқаридаги шарқ қуйидаги кичик табиий географик ўлкаларга ажратилади: Льянос-Ориноко, Гвиана ясси тоғлиги, Амазония, Бразилия ясси тоғлиги, Ички текисликлар, Кордильера олди ва Сьерра пампаси. Анд тоғлари қуйидаги кичик ўлкаларга ажратилади: Шимолий Анд, Марказий Анд, Субтропик Анд ва Патагония Анд тоғлари. Уларнинг умумий табиий географик таснифи.

**17-мавзу. Африканинг географик ўрни, геологик тузилиши, рельефи, фойдали қазилмалари.**

Материк географик ўрнининг асосий хусусиятлари. Шаклланиш тарихи, рельефи ва фойдали қазилмалари. Африка платформаси ва унинг рельефда акс этганлиги. Баланд ва паст Африка. Шимолий Африка чўллари. Буюк Африка ёриқлари. Палеозой ва Альп бурмаланиш областлари ва уларнинг рельефда акс этиши. Рудали фойдали қазилмаларнинг баланд Африкада, нефть, газ, фосфорит конларининг паст Африкада жойлашганлиги.

**18-мавзу. Африканинг иқлими, ички сувлари, тупроқлари, органик дунёси.**

Иқлими. Иқлимини ҳосил қилувчи асосий омиллар. Ёз ва қиш фаслларида ҳарорат, намлик ва ёғиннинг тақсимланиши. Иқлим минтақаларининг такрорланиши (экваториал минтақадан ташқари). Фаунистик областлари, ҳайвонот дунёсининг ўзига хос хусусиятлари. Тупроқлари ва уларнинг ҳосил бўлиш жараёни. Чўлланиш муаммоси ва уни ечиш йўллари. Асосий қўриқхоналари. Географик минтақалари ва табиат зоналари, уларнинг тавсифи.

**19-мавзу. Регионал обзор. Африка табиий географик районлари.**

Йирик регионал табиий географик ўлкалари: Паст Африка, Баланд Африка. Паст Африка қуйидаги кичик табиий географик ўлкаларга ажратилади: Атлас тоғлари; Саҳрои Кабир; Судан-Гвинея; Конго ботиғи. Баланд Африка қуйидаги кичик табиий географик ўлкаларга ажратилади: Шарқий Африка; Эфиопия-Сомали; Жанубий Африка. Уларнинг умумий табиий географик таснифи.

**20-мавзу. Австралия ва Океания. Умумий обзор.**

Жанубий ярим шарда жойлашганлиги, ўлчамлари, ўзига хос хусусиятлари. Таркиб топиш тарихи, рельефи ва фойдали қазилмалари. Австралия платформасининг тузилиши ва уни рельефда акс этганлиги (ғарбий Австралия ясси тоғлиги, Марказий текислик), палеозой бурмаланиш минтақаси (Шарқий Австралия тоғлари). Ҳозирги вақтдаги рельеф ҳосил қилувчи омиллар. Рудали фойдали қазилмалар, олтин минтақаси, нефть-газ ва кўмир ҳавзалари.

Иқлими ва ички сувлари. Иқлимини ҳосил қилувчи омиллар. Намлик

ва ёғинни тақсимланиши. Иқлим минтақалари. Дарёлари. “Криклар”, шўр кўллар, ер ости сувлари (артезиан ҳавзалари).

**Океания**. Географик жойланиши. Табиатнинг асосий хусусиятлари. Океан таъсиридаги ландшафтларнинг кенг тарқалганлиги. Геологик тузилиши ва рельефи.Мезозой ва кайнозой бурмаланиш минтақалари ва жануби-ғарбий Океания оролларининг ҳосил бўлиши. Вулқонлар отилиши. Микронезия ва Полинезия оролларининг ҳосил бўлиши. Тропик минтақаларда океан сатҳининг ўзгариши ва маржон оролларининг ҳосил бўлиши. Асосий рельеф шакллари. Фойдали қазилмалари.

Иқлими ва ички сувлари. Ҳаво массалари ва уларнинг ҳаракати, ҳарорат, ёғинлар, тропик циклонлар. Дарёлари ва уларнинг асосий хусусияти (калталиги, асосан ёмғирдан тўйиниши, шаршара ва остоналарнинг кўплиги ва ҳ.к.). Кўллари, ер ости сувлари.

Тупроқ-ўсимлик қопламиваҳайвонот дунёси. Тупроқларнинг, ўсимликларнинг асосий турлари. Нам тропик мангра ўрмонлари, саванналари. Ҳайвонот дунёсининг ўзига хос хусусиятлари.

**21-мавзу. Австралия ва Океания табиат зоналари. Табиий географик регионлари.**

Географик минтақалари ва табиат зоналари.Регионал табиий географик ўлкалари: ғарбий Австралия, Марказий текислик ва Шарқий Австралия тоғлари. Янги Зеландия: Шимолий ва Жанубий ороллар. Уларга умумий табиий географик тавсиф.

Океания. Табиий географик ўлкалари: Меланезия, Микронезия, Полинезия.Уларнинг умумий табиий географик таснифи қабул қилинган тартибда амалга оширилади.

**22-мавзу. Антарктиданинг кашф этилиши ва тадқиқ этилиши, геологик тузилиши, иқлими, органик дунёси.**

Қутб доираси ичида жойлашган ягона материк эканлиги. Табиатининг асосий қирралари, ўлчамлари. шаклланиш тарихи. Муз усти ва ости рельефи. Музнинг қалинлиги, музнинг турлари. Шельф музликлари. “Воҳалар”. Иқлимининг ўзига хос хусусиятлари. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси. Ғарбий Антрактида, Шарқий Антрактида. Уларнинг умумий табиий географик таснифи.

**II қисм. Жаҳон мамлакатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси**

**1-мавзу. Дунёнинг ҳозирги замон сиёсий харитаси, жаҳон мамлакатларининг социал-иқтисодий ривожланиш даражасига кўра типологияси. Саноати ривожланган мамлакатлар.**

Дунёнинг сиёсий харитаси ва унинг шаклланиш хусусиятлари. Жаҳон мамлакатларининг, худуди ва аҳоли сони. Мамлакатларнинг давлат тузуми. Давлатларнинг шакллари. ЯИМ бўйича мамлакатлар тавсифи. Мамлакатларнинг типологияси. Ривожланган мамлакатлар. Саноати ривожланган давлатларни аниқлаш мезонлари.



**2-мавзу. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари. Ривожланаётган мамлакатларга умумий тавсиф.**

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари. Ривожланаётган мамлакатлар. Ривожланаётган мамлакатларнинг кичик гурухлари. Янги индустриал мамлакатлар. Аҳоли жон бошига ўртача ва юқори даромадга эга мамлакатлар; нефть ва газ экспорт қилувчи давлатлар; туризм марказлари ҳамда оффшор зоналар.

**3-мавзу. Жаҳон минтақалари аҳолиси.**

Жаҳон аҳолиси сони ва ўсиши. Аҳоли жойлашуви ва унинг минтақавий хусусиятлари. «Демографик портлаш» ва унинг оқибатлари. Дунё минтақаларида демографик ўтиш даврининг хусусиятлари. Дунёнинг турли минтақалари демографик ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. БМТнинг демографик прогнози. Замонавий халқаро миграция ва унинг иқтисодий ривожланишга таъсири. Меҳнат ресурслари, ишсизлик муаммоси ва уларнинг регионал хусусиятлари.

**4-мавзу. Жаҳон урбанизациясининг минтақавий хусусиятлари.**

Урбанизация ва унинг иқтисодий негизи. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси. Жаҳон урбанизациясининг минтақавий хусусиятлари. Жаҳон минтақалари бўйича шаҳар аҳолисининг улуши. Субурбанизация. Дунёвий шаҳарлар, йирик агломерациялар, мегалополислар. Урбанизация жараёнларининг ижобий ва салбий жиҳатлари.

**5-мавзу. Европа мамлакатларига иқтисодий-географик тавсиф.**

Европа сиёсий картаси ва ундаги ўзгаришлар. Субрегионлари. Европа Иттифоқи мамлакатлари. Табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси. Хўжалигининг ҳудудий таркиби ва ихтисослашув хусусиятлари. Европа иқтисодий интеграцияси.

**6-мавзу. Германия.**

Иқтисодий географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси. Хўжалиги. Саноати. Қишлоқ хўжалиги. Ташқи иқтисодий алоқалари. Ички тафовутлари. Бирлашган Германиянинг иқтисодий ривожланиш муаммолари ва истиқболлари.

**7-мавзу. Буюк Британия.**

Иқтисодий географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси. Хўжалиги. Саноати. Қишлоқ хўжалиги. Ташқи иқтисодий алоқалари. Ички тафовутлари.

**8-мавзу. Франция.**

Иқтисодий географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси. Хўжалиги. Саноати. Қишлоқ хўжалиги. Ташқи иқтисодий алоқалари. Ички тафовутлари.

**9-мавзу. Италия.**

Иқтисодий географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси. Хўжалиги. Саноати. Қишлоқ хўжалиги. Туризмни мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти. Ташқи иқтисодий алоқалари. Ички

тафовутлари.

**10-мавзу. Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари.**

Шарқий Европанинг ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари. Табиий, минерал хомашё, демографик, геосиёсий, транспорт-коммуникация ва ишлаб чиқариш салоҳияти. Польшага иқтисодий географик тавсиф. МДҲ давлатлари. Украина. Молдавия. Белоруссия.

**Россия.** Иқтисодий географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси. Хўжалиги. Саноати. Қишлоқ хўжалиги. Ташқи иқтисодий алоқалари. Жанубий Кавказ давлатлари (Закавказье). Грузия. Арманистон. Озарбайжон.

**11-мавзу. Шарқий Осиёнинг ривожланган давлатлари. Япония.**

Иқтисодий географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси. Хўжалиги. Саноати. Қишлоқ хўжалиги. Япон иқтисодий тажрибаси. Ташқи иқтисодий алоқалари. Ички тафовутлари.

**12-мавзу. Корея Республикаси.**

Иқтисодий географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси. Хўжалиги. Саноати. Қишлоқ хўжалиги. Ўзбекистон - Жанубий Корея ҳамкорлиги.

**13-мавзу. Шарқий Осиёнинг бошқа давлатлари. Хитой.**

Шарқий Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари. Хитой. Иқтисодий географик ўрни. Табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси. Хитой халқлари. Хўжалиги. Хитойнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни. Саноати. Қишлоқ хўжалиги. Ташқи иқтисодий алоқалари. Янги Буюк Ипак йўли лойиҳаси. Ички тафовутлари.

**14-мавзу. Жануби-Шарқий Осиё.**

Жанубий-шарқий Осиё сиёсий картаси. Табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси. Хўжалигининг ихтисослашув ва ҳудудий таркиби хусусиятлари. Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари маданий географияси. Индонезия.

**15-мавзу. Жанубий Осиё. Ҳиндистон.**

Жанубий Осиё сиёсий картаси. Табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси. Хўжалигининг ихтисослашув ва ҳудудий таркиби хусусиятлари. Ҳиндистон. Иқтисодий географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси. Этник таркиби. Хўжалиги. Саноати.

**16-мавзу. Ўрта Шарқ ва Шимолий Африка.**

Ўрта Шарқ ва Шимолий Африканинг сиёсий картаси. Табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси. Минтақа иқтисодиётининг тармоқлар ва ҳудудий таркиби, ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланиш хусусиятлари. Афғонистон. Туркия. Исроил. Миср.

**17-мавзу. Шимолий Америка. Канада.**

Шимолий Америка сиёсий картаси ва ундаги ўзгаришлар. Канада. Иқтисодий географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси. Хўжалиги. Саноати. Мамлакат хўжалигида ўрмон ва ёғочсозлик саноатининг аҳамияти. Қишлоқ хўжалиги. Ташқи иқтисодий алоқалари.



Ички тафовутлари.

**18-мавзу. АҚШ.**

АҚШ. Иқтисодий географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси. Хўжалиги. Саноат тармоқлари ва уларнинг жойлашуви. Қишлоқ хўжалиги. Транспорти ва ташқи иқтисодий алоқалари. Иқтисодий районлари.

**19-мавзу. Лотин Америкаси.**

Лотин Америка сиёсий картаси ва ундаги ўзгаришлар. Табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси. Хўжалигининг ихтисослашуви ва ҳудудий таркиби хусусиятлари. Мексика. Аргентина.

**20-мавзу. Бразилия.**

Иқтисодий географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси. Хўжалиги. Саноати. Қишлоқ хўжалиги. Ташқи иқтисодий алоқалари. Ички тафовутлари.

**21-мавзу. Саҳрои Кабирнинг жанубидаги Африка.**

Табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси. Хўжалиги. Саноати. Аграр соҳа ва унинг ҳудудий ташкил этилиши. Ривожланиш муаммолари. ЖАР. Нигерия.

**22-мавзу. Австралия ва Океания.**

Австралия ва Океания сиёсий харитаси. Австралия. Иқтисодий географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси. Хўжалиги. Саноати. Қишлоқ хўжалиги. Чорвачилик. Ташқи иқтисодий алоқалари. Ички тафовутлари.

**Океания мамлакатлари.** Табиий шароити ва ресурслари. Аҳолиси. Хўжалиги. Глобал исиш ва дунё океани сатҳининг кўтарилиши хавфи. Янги Зеландия.

**III қисм. Ўрта Осиё табиий географияси**

**1-мавзу. Кириш. Регионал табиий географиянинг объекти ва предмети.**

Ўрта Осиё табиий географияси курсининг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, бошқа фанлар билан алоқалари. Регионал табиий географиянинг географик фанлар тизимидаги ўрни.

Ўрта Осиё табиий географик ўлкасининг географик ўрни, майдони ва чегаралари. Ёндош табиий географик ўлкалар, уларнинг Ўрта Осиё билан алоқадорлиги, табиатининг ўхшаш томонлари ва тафовутлари. Ўлка табиатининг ўзига хос хусусиятлари.

**2-мавзу. Ўрта Осиёни табиий географик ўрганиш босқичлари.**

Айрим олимларнинг ва етакчи илмий мактабларнинг Ўрта Осиё табиатини ўрганишга қўшган ҳиссаси. Ўрта Осиёни табиий-географик ўрганилганлигини даврлар бўйича баҳолаш.

**3-мавзу. Ўрта Осиёнинг геологик тараққиёт тарихи.**

Ўрта Осиё ҳудудидаги асосий тектоник структуралар. Ўрта Осиё ҳудудининг геологик ривожланиш тарихи. Неоген-тўртламчи давргача бўлган геологик тарихига қисқа тавсиф. Палеозой, мезозой ва кайнозой

даврларининг палеогеографик ривожланиш тарихи. Палеозой, мезозой ва канозой даврлари чўкинди, отқинди ва метоморфик тоғ жинсларига қисқа тавсиф, уларнинг тарқалиши, ётқизили шароитлари, қалинлиги, литологик таркиби. Фойдали қазилма конларининг тарқалиши.

**44-мавзу. Тектоникаси ва сейсмиклиги.**

Ўрта Осиё ҳудудида бўлиб ўтган асосий тоғ пайдо бўлиш (бурмаланиш) босқичлари (Каледон, Герцин, Альп, янги тектоник ҳаракатлар). Ўрта Осиё ҳудудининг неоген-тўртламчи даврдаги геологик ривожланиш тарихи. Бу даврда содир бўлган муҳим палеогеографик воқеалар ва жараёнлар (янги тектоник ҳаракатлар, иқлимнинг ўзгариши, қадимги музликларни вужудга келиши, лёссларнинг ҳосил бўлиши, Каспий денгизининг трансгрессиялари, дарёлар йўналишининг ўзгариши).

**5-мавзу. Ўрта Осиё ҳудуди Ер юзасининг тузилиши: тоғлик қисми.**

Ўрта Осиё ҳудуди ер юзасининг хилма-хиллиги ва табиий географик компонентлар билан боғлиқлиги. Ўрта Осиё рельефининг таркиб топишида янги тектоник ҳаракатлар, қадимги ва ҳозирги замон музликлари, эол, эрозион ва бошқа денудацион ва аккумулятив жараёнларнинг аҳамияти.

Ўрта Осиёнинг тоғли қисмидаги тоғ тизмалари, тоғ оралиқ ботиқлари, текисланган юзалар, уларнинг географик жойланиши, денгиз сатҳидан баландлиги, муҳим чўққилари. Ўрта Осиёнинг тоғли қисмидаги асосий баландлик рельеф минтақалари ва уларга хос рельеф шакллари (музлик, эрозион, денудацион, гравитацион, карст ва бошқалар).

**6-мавзу. Ўрта Осиё ҳудуди Ер юзасининг тузилиши: текислик қисми.**

Марказий Қозоғистон паст тоғликлари, унинг ҳудудидаги тоғ тизмалари, қирлар, денудацион ва аккумлятив текисликлар, мелкосопочниклар. Турон текислиги, унинг ҳудуддидаги тоғ тизмалари, қирлар, платолар, ботиқлар, қум массивлари, тоғ олди пролювиал текисликлари, аллювиал текисликлар ва пасттекисликлар, денгиз пасттекисликлари, дельталар, тақирлар, шўрхоклар, қадимги дарё ўзанлари, карст рельеф шакллари ва бошқалар. Уларнинг тарқалиши ва ҳосил бўлиши.

**7-мавзу. Ўрта Осиё иқлими.**

Ўрта Осиё иқлимининг умумий тавсифи ва иқлим ҳосил қилувчи омиллари: географик ўрни ва у билан боғлиқ қуёш радиацияси, атмосфера циркуляцияси (ҳаво массаларининг турлари ва уларнинг алмашиниб туриши), ер юзасининг тузилиши ва ҳолати, инсон хўжалик фаолиятининг таъсири. Иқлим элементларинг ҳудудий ва мавсумий тақсимланиши. Йиллик, январь ва июль изотермаларининг жойлашиш хусусиятлари ва уларга тавсиф бериш. Ёғинлар ва уларнинг ҳудудий тақсимланиш қонуниятлари. Қор қоплами ва эримай туриш даврининг ҳудуд бўйлаб ўзгариб бориши. Мутлақ ва нисбий намликлар, уларнинг



ҳароратга боғлиқ равишда ўзгариши. Буғланиш ва мумкин бўлган буғланиш. Шамоллар ва уларнинг йил фаслларида ўзгариши.

**8-мавзу. Ўрта Осиёда иқлим ўзгариши ва иқлимий ресурслари.**

Ўрта Осиё иқлимидаги тафовутлари. Иқлимий ва агроиқлимий районлаштириш. Иқлимнинг ўзгариши. Иқлимга инсон хўжалик фаолиятининг таъсири. Иқлимни хўжалик нуктаи-назардан баҳолаш. Иқлимий ресурслари.

**9-мавзу. Ўрта Осиёнинг ер усти сувлари.**

Ўрта Осиё ички сувларининг табиатнинг бошқа компонентларига (иқлими, ер юзасининг тузилиши ва бошқалар) боғлиқлиги ва ҳудудий жойланиш қонуниятлари. Ички сувларининг тақсимланишига инсон хўжалик фаолиятининг таъсири.

Дарёлари, уларнинг мустақил ҳавзаларга ажралиши. Дарёларнинг зичлиги ва оқими. Дарёлар оқимининг ҳудудий ва мавсумий ўзгариши, дарё ҳавзалари бўйича тақсимланиши. Дарёларнинг тўйиниши ва режими бўйича гуруҳларга бўлиниши ва уларнинг таснифи. Дарёларнинг хўжаликдаги аҳамияти. Дарёлар сувини ифлословчи манбалар ва уларнинг муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар.

Кўллари, уларнинг ҳудуд бўйлаб тақсимланиши, ботиқларининг келиб чиқиши жиҳатидан гуруҳларга (тектоник, тўғон, музлик, карст, антропоген) бўлиниши. Кўлларнинг хўжаликдаги аҳамияти ва уларни муҳофаза қилиш. Каспий ва Орол денгизи, Балхаш кўли, уларнинг муаммолари.

Ҳозирги замон музликлари, уларнинг ҳудудий тарқалиши. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши таъсирида музликларнинг эриш жараёнининг тезлашуви ва уни олдини олиш муаммолари.

Ўрта Осиё ҳудудида барпо этилган сув омборлари ва каналлари, уларнинг табиатга таъсири ва халқ хўжалигидаги аҳамияти. Каспий ва Орол денгизлари муаммолари.

**10-мавзу. Ўрта Осиёнинг ер ости сувлари.**

Ер ости сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва тарқалиш қонуниятлари. Ер ости сувларининг асосий турлари (грунт, қатламлараро, карст). Артезиан ҳавзалари, уларнинг тарқалишида ҳудуднинг тектоник тузилишининг аҳамияти. Минерал ва термал сувлари, улардан фойдаланиш. Ер ости сувларидан халқ хўжаликларининг турли тармоқларида фойдаланиш ва муҳофаза қилиш.

**11-мавзу. Ўрта Осиёнинг тупроқ қоплами.**

Ўрта Осиё ҳудудида тупроқ қатламининг ҳосил бўлиши ва тарқалишининг она жинс, иқлим, рельеф, ер ости сувлари, ўсимликлари билан боғлиқлиги. Тупроқларнинг горизонтал, вертикал ва интрозонал тарқалиши, асосий хусусиятлари. Ўрта Осиёнинг текислик, тоғ олди ва тоғ қисмларидаги асосий тупроқ турлари ва уларнинг тавсифи. Тупроқларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ва оқилона фойдаланиш муаммолари. Чўл ҳақидаги таълимотнинг яратилиши ва Ўрта Осиё

чўлларининг зонал ҳамда литологик типлари. Чўллашиш.

**12-мавзу. Ўрта Осиёнинг ўсимлик қоплами.**

Ўрта Осиё ўсимликларининг хилма-хиллиги. Уларнинг рельеф, иқлим, тупроқ қоплами ва бошқа табиий географик компонентларига боғлиқ ҳолда худудий тарқалиши. Ўсимликларнинг асосий турлари, уларнинг горизонтал, вертикал ва интрозонал тарқалиши. Дашт, чала чўл, чўл ўсимликлари.

**13-мавзу. Ўрта Осиёнинг эндемик ва доривор ўсимликлари.**

Ўрта Осиёнинг эндемик ва доривор ўсимликлари. Ўсимлик бойликлари, уларнинг инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўзгариши. Ўсимлик бойликларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш.

**14-мавзу. Ўрта Осиёнинг ҳайвонот дунёси.**

Ўрта Осиё ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги ва ҳайвонларнинг худуд табиий шароитига мослашуви. Ҳайвонларнинг асосий турлари ва уларнинг табиат компонентларига (рельеф, иқлим, субстрат ва бошқалар) боғлиқ ҳолда горизонтал, вертикал ва интрозоналлик бўйича ўзгариши. Ҳайвонларга инсон таъсири. Ҳайвонларнинг хўжаликдаги аҳамияти ва уларни муҳофаза қилиш.

**15-мавзу. Ўрта Осиёнинг махсус муҳофаза қилинадиган худудлари.**

Ўрта Осиё табиатини муҳофаза қилишда қўриқхоналар, миллий боғлари ва буюртмахоналар, жамоат ташкилотлари, экологик таълим ва тарбиянинг аҳамияти. Ўрта Осиё худудида барпо этилган қўриқхоналар, миллий боғлари, буюртмахоналар, уларнинг турлари, уларда олиб борилаётган илмий ва муҳофаза ишлари.

**16-мавзу. Ўрта Осиёни табиий географик районлаштириш.**

Ўрта Осиёнин табиий географик районлаштириш тажрибалари таҳлили. Ўрта Осиёни табиий географик районлаштириш тамойиллари ва таксономик бирликлари (провинция, кичик провинция, округ, район).

**17-мавзу. Марказий Қозоғистон провинцияси.**

Географик ўрни, чегаралари, майдони. Геологик тарихи. Тектоникаси ва у билан ҳозирги орографик тузилишининг боғлиқлиги. Палеогеографияси. Орографияси. Геомофологик тузилиши. Иқлимининг хусусиятлари. Дарёлари, кўллари, ботқоқликлари, грунт сувлари. Каналлари, сув омборлари. Ўсимлик қоплами. Тупроқлари. Ҳайвонот дунёси.

**18-мавзу. Марказий Қозоғистон провинцияси округлари.**

Провинцияда ажратилган табиий-географик округларга (Қозоғистон паст тоғлари округи, Тўрғай супасимон ўлкаси, Орол округи, Оролбўйи қумли чўллари. Бетпакдала. Устюрт) табиий географик тавсиф.

**19-мавзу. Жунғория-Тяншан провинцияси.**

Географик ўрни, чегаралари, майдони. Геологик тарихи. Тектоникаси ва у билан ҳозирги орографик тузилишининг боғлиқлиги. Палеогеографияси. Орографияси. Геомофологик тузилиши. Иқлимининг



хусусиятлари. Дарёлари, кўллари, ботқоқликлари, грунт сувлари. Каналлари, сув омборлари. Ўсимлик қоплами. Тупроқлари. Ҳайвонот дунёси.

**20-мавзу. Жунғория-Тяншан провинцияси округлари.**

Жунрория-Тяншан провинциясида ажратилган текислик кичик провинцияси таркибидаги Балхашбўйи-Муюнқум округига, тоғлик кичик провинциясидаги Шимолий Тяншан, Марказий Тяншан, Шарқий Қозоғистон тоғли округига тавсиф.

**21-мавзу. Турон провинцияси.**

Географик ўрни, чегаралари, майдони. Геологик тарихи. Тектоникаси ва у билан ҳозирги орографик тузилишининг боғлиқлиги. Палеогеографияси. Орографияси. Геомофологик тузилиши. Иқлимининг хусусиятлари. Дарёлари, кўллари, ботқоқликлари, грунт сувлари. Каналлари, сув омборлари. Ўсимлик қоплами. Тупроқлари. Ҳайвонот дунёси.

**22-мавзу. Турон провинцияси округлари.**

Турон провинциясида ажратилган текислик кичик провинцияси таркибидаги Ўзбойорти, Шимолий Қорақум, Қуйи Амударё, Қизилқум, Қуйи Зарафшон, Ғарбий Туркистон, Марказий Қорақум, Тажан-Мурғоб округларига; тоғли кичик провинциясида ажратилган Фарғона, Жанубий ёш тоғлар, Юқори Зарафшон, Юқори Амударё, Қашқадарё, Ўрта Сирдарё, Помир округларига тавсиф.

**IV қисм. Ўрта Осиё иқтисодий ва ижтимоий географияси**

**1-мавзу. Ўрта Осиё давлатларининг дунё сиёсий ва иқтисодий тизимида тутган ўрни**

Ўрта Осиё иқтисодий ва ижтимоий географияси иқтисодий ва ижтимоий география фанининг ажралмас тармоғи эканлиги. Фаннинг объекти, предмети, мақсад ва вазифалари. Ўрта Осиё ва Марказий Осиё атамалари. Ўрта Осиё давлатларининг дунё геосиёсий ва иқтисодий тизимида тутган ўрни.

**2-мавзу. Ўрта Осиё давлатларининг таркиб топиши**

Ўрта Осиёга аҳоли келиб ўрнашиши ва илк шаклланган давлатлар. Ўрта Осиё минтақаси давлатлари шаклланишининг тарихий босқичлари. Минтақанинг замонавий сиёсий харитаси. Табиий, иқтисодий географик ўрни, чегаралари, қўшни давлатлар.

**3-мавзу. Ўрта Осиё давлатларининг геосиёсий ва геостратегик ҳолати**

Ўрта Осиё давлатларининг сиёсий географик ўрни ва унинг минтақа ривожланишига таъсири. 1990-йиллардаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар. Ўрта Осиё давлатларининг бозор муносабатларига ўтиши. Замонавий ривожланиш хусусиятлари, ўзаро муносабатлари ва муаммолар.

**4-мавзу. Ўрта Осиёнинг табиий шароити ва ресурсларига иқтисодий географик баҳо бериш**

Ўрта Осиё давлатлари табиий шароити ва табиий ресурсларининг хилма хиллиги, уларга мос ҳолда турлича хўжалик фаолияти турларининг шаклланиши. Иқлим шароитлари- агроиқлим ресурслари, сув манбалари, ҳарорат ва ёғин миқдорини тақсимланишининг аҳоли, қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқларини ҳудудий ташкил этишга таъсири. Ўрта Осиё ўлкаси давлатлари рельефи. Унинг қишлоқ хўжалиги, қурилиш, саноат корхоналарини жойлаштириш ва аҳолини ҳудудий ташкил этишга таъсири.

**5-мавзу. Ўрта Осиё минтақасининг табиий бойликлари**

Ўлканинг табиий ресурслари, қазилма бойликлари, сув ресурслари, рекреация ва биологик ресурслари. Уларнинг хўжалик ва аҳолини жойлашувига таъсири. Ўрта Осиё давлатларида табиий бойликларнинг жойлашиш хусусиятлари ва уларнинг давлатларни иқтисодий-ижтимоий ривожланишидаги роли.

**6-мавзу. Ўрта Осиё давлатлари аҳолиси, кўпайиши ва жойлашуви**

Ўрта Осиё аҳолисининг таркиб топиш тарихи, аҳолининг табиий кўпайиши, диний, жинсий, ёш таркиби. Миллий таркиби, унинг тарихий даврларда ўзгариши. Ўрта Осиё давлатлари аҳолисининг жойлашув хусусиятлари: тоғ, чўл, текислик, воҳаларда аҳоли зичлигининг ўзгариши, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, урбанизация, йирик шаҳар ва шаҳар агломерациялари.

**7-мавзу. Аҳоли миграцияси ва меҳнат ресурслари**

Аҳоли миграцияси, унинг сабаб ва оқибатлари. Ўрта Осиёда меҳнат ресурслари, аҳолининг иқтисодиёт тармоқларида бандлиги. Демографик муаммоларни келиб чиқиш сабаблари, уларни ҳал этишга давлатларнинг эътибори, олиб борилаётганислоҳотлар ва чора-тадбирлар.

**8-мавзу. Ўрта Осиё давлатлари хўжалигига умумий таъриф**

